



Маънавият ва тарбия ўчоги



**Муассар РАЗЗОҚОВА:
Опера — менинг ҳаётим!**



Косметик воситалар сунъий ниқобми?



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



"Ободлик кўнгилдан бошланади"

Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Андижонда уюштирилган тадбир "Ободлик кўнгилдан бошланади" деб номланди. Фестиваль кўҳна ва навқирон шаҳарнинг кўрகига кўрк бағишлаб турган Ўзбекистон кўчасидан бошланди.

Бу ўзига хос байрамона руҳда ташкил этилган фестивалнинг айнан бу маззада ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор, десак янглишмаймиз. Чунки Президентимиз Ислам Каримов ўтган йили Андижонга ташриф буюрганида шаҳардаги улкан бунёдкорлик ишлари, ободонлаштириш ва кўкамлаш-зорлаштириш билан боғлиқ амалга оширилган хайрли амалларни алоҳида эътироф этган эди. Энг эътиборли жиҳати, мазкур чора-тадбирларнинг изчил давом эттирилишини таъминлаш мақсадида Юртбошимизнинг "Андижон вилоятида 2011–2015 йилларда тураржой массивлари коммунал инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган андижонликларни янада руҳлантириб юборди ва қисқа муддат ичида қатор бунёдкорлик ишларига қўл урилди. Муболағасиз айтиш мумкинки, шаҳар бутунлай ўзгача қиёфада акс этиб, кўзаларни қувнатадиган гўзал кўринишга эга бўлди.

Фестиваль доирасида ташкил этилган "Гуллар байрами" кўрик-танловига ҳақида эса алоҳида тўлқинланиб ёзиш, сўзлаш мумкин. Нега десангиз, азалдан ижодкорлик, яратувчанлик бобида дунёга донг таратган халқимизнинг бугунги авлодлари истиқлолнинг нақадар улуг неъмат эканлигини ўз ижод намуналарида ҳам акс эттиришга муваффақ бўлишган. Турфа гулу чечаклар ёрдамида ишланган ёзув ва сурат-лавҳалар, давлатимиз рамзлари, тинчлик ва озодлик тимсоли саналган кабутарлар акс этган "асар"лар, жумладан, Балиқчи ҳамда Жалақудук туманларининг иқтидорли ёшлари ижодига мансуб гулдасталар иштирокчиларни хайратга солди.

Хуллас, байрам кечаси Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида оқшомга қадар давом этди. Бу ерда ёшлар учун миллий спорт ўйинлари беллашуви, турли кўргазмалар ва ёш мусиқачилар танловига ўтказилди.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова иштирок этди.

Гулжамол АСКАРОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Андижон вилояти

(Фестивалга бағишланган мақолани газетамизнинг келгуси сонидан ўқийсиз.)

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ САДОЛАРИ

Бугун мамлакатимизнинг барча мактабларида сўнги қўнғироқ садолари жаранглади. Таянч билимларни пухта эгаллаган минглаб ўғил-қизлар узлуксиз таълимнинг кейинги босқичига йўл оладилар.

Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги 1 115 та мактабнинг 9-синфларини 61 422 нафар ўқувчи битирди. Ҳадемай, улар ўзлари севган йўналиш бўйича ўқиш учун вилоятдаги 137 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежига ҳужжат топширадилар.

Вилоят ҳокимининг қарорига асосан, ҳар ойнинг сўнги жумаси "Мактаблар куни" деб эълон қилинган. Ушбу кунда ташкилот ва муассаса раҳбарлари умумий ўрта таълим масканларига ташриф буюриб, келажак авлод қамоли йўлида ҳомийлик ёрдами кўрсатишади. Бу эса мактабларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланишига асос бўлаяпти.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Ушбу сонда:

Оқсоқол яна сайланди	2
Бола тарбиясида эр-хотин тенгми?	6
Хотира уйғонса гўзалдир	6
Марадонанинг ҳайкалгига сарфланган маблағни муҳлислар тўшлаган экан	7
Куёвниқига келинлик либосини ташлаб борган қиз	7
Артур Таймазов яна чемпион!	8

Мен Ватан деганда Онани, Она деганда Ватанини тушунаман.

Ислом Каримов

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Маънавият ва тарбия ўчоғи

Конституциямизнинг 18-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги билан бир қаторда, алоҳида 46-модда билан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса мамлакатимизда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш давлат эътиборида эканидан далолат беради.

Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга эътиборни янада кучайтириш, аёлларнинг ижтимоий жараёнда фаол қатнашишлари учун қўлай шароитлар яратиш борасидаги вазифаларни оғишмай амалга ошириш эндиликда ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди.

Оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва саводхонлигини ошириш, соҳа қонунчилигига риоя қилинишини таъминлаш, бу борада мунтазам ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш орқали оилани мустаҳкамлаш ва ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, янгича аъёна ва қадриятларни тарғиб қилиш каби бир қатор аниқ вазифаларни амалга ошириш лозим.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофа-

за қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш ва уларга турли зарур имтиёзлар бериш юзасидан бир қатор муҳим қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги сўзимизнинг исботидир.

Бинобарин, ҳуқуқий давлат ва фуқа-



ролик жамияти барпо этиш йўлига кирган бугунги Ўзбекистонда нафақат аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, балки уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуфузли мавқеини таъминлаш ҳам киришилган. Бундай мавқеини ўзига, биринчидан аёлларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларининг қонун ҳужжатларида мукамал кафолатланиши, иккинчидан, мазкур ҳуқуқ, эркинлик ва имтиёзларнинг реал таъминланиши ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини, жумладан, аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида муайян тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Албатта, бунда халқаро миқёсда эътироф этилган мезонларга қатъий риоя қилинмоқда.

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш масалалари ҳамisha Юртбошимиз диққат марказидадир.

Шунингдек, аёллар ҳуқуқи халқаро ҳамжамият диққат марказидаги масалалардан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1967 йил 7 ноябрда "Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш тўғрисида" Декларация, 1979 йил 18 декабрда эса "Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида" Конвенцияни қабул қилди. Ушбу ҳужжатлар халқаро ҳуқуқнинг муҳим манбаи сифатида барча давлатлар миллий қонунчилиги учун меъёрий мезон бўлиб қолди. Уларда аёлларнинг мамлакат раънақи, жамият ва оила тараққиётидаги алоҳида роли эътироф этилиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан фойдаланишда эркаклар билан тенглигини таъминлаш, бу ҳуқуқларни рўёбга чиқаришнинг реал механизми ва шартлари келтирилиши, аёллар манфаатлари камситилишига ва ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймаслик талаби илгари сурилган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини ҳисобланган оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўзбек жамиятининг асосини ташкил қилувчи оилани жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда унинг маънавият ва тарбия ўчоғи сифатидаги аҳамиятини ошириш узлуқсиз ва тизимли жараён эканини унутмаслигимиз лозим.

Умида ЭРГАШЕВА,
Адлия вазирлигининг идоравий
меъёрий ҳужжатларни давлат
рўйхатидан ўтказиш бошқармаси
бош маслаҳатчиси.
Турдикул НОРМАТОВ олган сурат.

Кейинги ўн беш-йигирма йил мобайнида халқимизнинг қўллаб қадриятлари тикланди, қайтадан эътибор топа бошлади. Хусусан, маҳалла институтига ҳуқуқий мақом берилди, ўзини ўзи бошқариш органи дея эътироф этилди. Шу билан чекланиб қолмай, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги ўрнини кучайтириш масаласи доимо диққат марказида бўлиб турибди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар биримизнинг қундалик ҳаётимиз бевосита мазкур ижтимоий институт фаолияти билан боғлиқ. Маҳалла қадимдан халқимиз орасидаги азалий қадриятларни сақловчи, меҳр-оқибат ришталарини асровчи маскан бўлиб келган. Элнинг турмуш тарзи, маънавий муҳит ҳам, аввало, маҳалла ҳаётида яққол кўзга ташланади.

МАҲАЛЛАМ – ОИЛАМ МЕНИНГ

ҳамкорликда ишляпмиз. Худого шукр, маҳалламизда ҳалигача юзимизни ерга қаратадиган воқеалар юз бергани йўқ...

Маҳалла идорасига кирар эканмиз, деворда осилгик фохрий ёрликларга кўзимиз тушди. Шу ҳафта сўрадик.

— 2008 йили шаҳар бўйича маҳаллалар ўртасида еттига йўналишда ўтказилган кўрик-танловда иккинчи ўринни кўлга киритганимиз. Бу ҳам ўшанда берилган, — дея хона бурчагидаги телевизорга ишора қилди Ваҳоб ака. — 2009 йили эса туманимизда биринчи ўринни эгалладик, компьютер билан тақдирлашди. Бундай ютуқларга эришишимизда маҳалла маслаҳатчилари ва фаолларининг ҳиссаси катта, албатта. Аҳиллик бор жойда ишда унум ҳам бўларкан. Барака — бирликда, деб бежиз айтмаган ота-боболаримиз.

— Бундан ташқари, яқинда 14 май куни маҳалла оқсоқоли сайлови бўлиб ўтди, — деб стол устидаги қоғозларга ишора қилди. — Мендан ташқари яна уч киши ўз номзодини қўйган эди. Озми-кўпми қилган камтарона меҳнатимиз самарасини, очик овоз бериш йўли билан қайтадан янги муддатга сайландим. Ўзимга яна бир қарра масъулият ҳиссини туйдим. Маҳалламиз аҳолисининг ишончини оқлашга, гўшани бундан-да обод масканга айлантиришда қўлимдан келган барча ишни қиламан...

«Янги ҳаёт» маҳалласи идорасидан қайтарканмиз, тагин чор-атрофга назар таштаймиз. Обод манзиллар дилимизни янада равшан торттиради.

Илҳом ЖУМАНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Кўнгилни яйратган манзил

Юнусобод туманидаги 12-мавзёда жойлашган «Янги ҳаёт» маҳалласи идорасига борганимизда, оқсоқолнинг эрталабки ишларни тақсимлаш учун коммунал ширкатга чиқиб кетганини айтишди. Ўша жойга етиб бориб, ўн-ўн беш чоғли киши кўп қаватли уйнинг атрофини тозалаётганини кўрдик. Улардан маҳалла оқсоқолини суриштирдик. Тўғриси, бир маҳалланинг раҳбари енг шимариб, эл қатори ишлаётганини бизни бироз ҳайратлантирди. У киши билан йўл-йўлакай суҳбатлашди, янги ташкил этилган болалар спорт майдончалари каби бунёдкорлик ишларини кўриб бордик. Атрофдаги саранжом-сарихалиқдан дилимиз яйраб, минглаб одамлар зич яшайдиган шаҳар маҳаллаларида озодалиқни сақлаш осон эмаслигини сездик. Бунинг учун доимий назоратни ушлаб туриш, ҳар бир ҳудудни эътибордан четда қолдирмаслик керак-да.

— Тўғри айтасиз, — дейди «Янги ҳаёт» маҳалласи оқсоқоли Ваҳоб Эргашев. — Маҳалламизда 4 минг 140 киши истиқомат қилади. Аҳолиимизнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, турли зарарли



ғоялар хуружидан асраш, ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга доимий эътибор қаратиб келяпмиз. Бу йўналишда ҳуқуқ-тартибот, адлия, тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёпмиз.

Рўпарамиздан келаётган йигитлар биз билан сўрашгач, маҳалла оқсоқоли уларни бир-бир таништирди:

— Участка нозирларимиз Равшан Раҳимов, Фаррух Шарипов ва посбонимиз Гафур Асқаров. Улар маҳалламиз тинч-осойишталигини сақлашда камарбаста бўлмоқда. Вояга етмаганлар орасида жониятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳам

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

Демократик ислохотлар ва хотин-қизлар

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда хотин-қизларнинг тутган ўрни" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Қўмита қошидаги "Раҳбар аёллар" клуби аъзолари ва сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" раҳбарлари салоҳиятини кучайтириш мақсадида ташкил этилган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова бошлаб берди.

Семинарда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, партия бошлангич ташкилоти ва электорати билан ишлаш технологиялари, партияларнинг жамоатчилик назоратидаги ўрни ва унинг нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги, "сайловолди ташвиқоти" тушунчаси ва бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, руҳсат этилган шакл ҳамда усуллари каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Йигилганлар анжуман сўнггида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Шаҳноза РОФИЕВА

Тизим

такомиллашмоқда

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, турли мулкчилик шаклларига асосланган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар шакллана бошлади. Шу аснода хусусий мулкдорлар қатлами ҳам пайдо бўлди. Бу эса, ўз навбатида, мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилловчи нотариат тизимида эътиборни янада кучайтирди. Ва ўз-ўзидан соҳа қонунчилигини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарурияти ҳам юзага келди.

2010 йил 5 май ҳолатида мамлакатимизда 566 та нотариат идора фаолият кўрсатаётган эди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармониغا биноан, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи 239 та нотариус фаолияти тугатилди. Фармон ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси 2010 йил 2 июнда қабул қилган 104-қарори билан, округлардаги эҳтиёж инобатга олиниб, қўшимча равишда 220 та давлат нотариал-идораси ва 229 нафар нотариус лавозими ташкил этилди. Шу тарихқа республика миқёсида ушбу фаолият билан шуғулланувчи ходимлар 738 нафарга етказилди ва, айтиш мумкинки, нотариал идораларнинг самарали тармоғини яратиш сари дадил бир қадам ташланди.

Мухаббат КОМИЛОВА,
Янгийўл тумани 2-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси.

Мактабда байрам тадбири

Мирзо Улугбек туманидаги 148-умумтаълим мактабида туман маънавият тарғибот бўлими ва ўқувчилар йукдиёт маркази билан ҳамкорликда "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" номили тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда маънавият тарғибот бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиёзова истиқлолмизини, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни асраб-авайлашимиз зарурлиги, бунда ҳар бир ўқувчининг давр талаби даражасида билимга эга бўлиши муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Шоира Умида Абдуазимованинг Ватан, истиқлол ҳақида ўқиган шеърлари ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнггида иқтидорли ўқувчилар ижросидаги шеър ва куй-қўшиқлар қатнашчиларни хушнуд этди.

Ширмоной АСРАНОВА

Шунчаки бекорчи гаплар

Кейинги пайтда давраларда, жумладан, ўзимизнинг оилада ҳам "Кумуш", "Меҳмед", "Руқия", "Осиё", "Ламия" деган сўзлар тез-тез эшитила бошлади. Мен аввалига унчалик эътибор бермадим. Беш ёшли набирам Диёра: "Ота! Илтимос, Меҳмед билан Кумушни кўрайлик", дея тикилиш қила бошлагандан кейин... Кинони кўришдан олдин Диёранинг онаси — инглиз тили ўқитувчиси Шаҳноза қизимдан "Сериалнинг қандай фойдаси бор?" дея сўрадим. У бу фильмини уч ойдан бери зўк-юлук кўраётганини айтиб, "Фойда-зарарини билмадим-у, лекин оилавий-маиший муаммолар, бойликка ўчлик, ҳасад, ғараз, ғийбатга тўла", дея жавоб қайтарди. НамДУ тарих факультети магистранти Наргиза қизим шу кунни бизниқига келиб қолди. Ундан ҳам "Кумуш" сериали ҳақидаги фикрини сўрадим. У бор-йўғи икки қисмини кўрганганини айтиб, "Бу сериал ёшлар тарбиясини бузади. Ахлоқсиз саҳналарни бор, бизга тўғри келмайди", деган фикрни билдирди. Академик лицей ўқувчиси бўлган ўғлим Жавоҳир ҳам "Фильм жудаям чалқаш, ўтган йили ёзги таътилда 5-6 қисмини кўрганман. Сериалдан ҳеч қандай ибрат олмадим, вақтим кетгани қолди, холос", деган мулоҳазани билдирди. Болаларнинг онаси — ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси авваллари бир-икки марта фильмини кўришга рухсат бермаётганимдан, ўзим ҳам уни томоша қилмаётганимдан норози бўлган эди. У менинг қароримни эшитиб хурсанд бўлиб кетди: "Кумуш" — зўр фильм! Бир келин бутун бир оилани бирлаштиради", дея сериални кўришга даъват этди.

Шундай қилиб, 2011 йилнинг 1 апрелида соат 19³⁰дан бошлаб "Кумуш"ни томоша қилишга киришдим. Беш ёшли Диёра шарҳловчилик қилиб турди, аввалги қисмларда нималар бўлганини ўзича ҳикоя қилиб берди. Уч ёшли укаси Исомиддин эса "Ота! Икки одам Меҳмеднинг олдидан ва ойқасидан пичоқ тиквойди", дея қўшимча қилди. Бир амаллаб 195–199-қисмларини кўра олдим, холос...

"Кумуш"даги тинимсиз "Сизни севаман", "Бағрингизга бошичингизни хоҳлайман" деган оҳ-воҳлар, эр-хотиннинг тўшақда ачомлашиб ётиши, ўрканнинг аёлларга ўхшаб қулоғига балдоқ тақиб юриши, хотинлар эрини сенсиратиши, машина ҳайдаб кетаётиб телефондаги жавраш каби ҳолатлар кишининг энасини қотиради... Энг таъсирчан оммавий ахборот куролли, деб таърифланаётган кино саноатида гоёат эҳтиёткорлик билан иш кўрилиши лозим. Акс ҳолда, оддийгина деталь ҳам катта кўнгилсизликларга олиб келиши ҳеч гап эмас.

6 апрел кунни бизниқига кириб келган Диёра: "Ота! Меҳмед кўзини очди!" дея ўз қувончини билдирди. Мен унга шундай савол бердим:

— Шеър ёдлаш яхшими ё "Кумуш"ни томоша қилиш?

— Шеър ёдлаш ҳам яхши-ю, лекин боғчадаги ҳамма ўроқларим "Кумуш"ни кўришаркан...

7 апрел кунни намойиш этилган 199-қисмда Меҳмед Кумуш билан Пинаринг суҳбати устига келиб қолди, сўрайди:

— Ниманинг ғийбатини қўлапсизлар?

— Шунчаки бекорчи гаплар.

Бу диалогда сериалнинг мазмун-моҳияти изоҳлангандек, назаримда. Фақат бекорчиликгина ўз умрини "бекорчи гаплар"га сарфлаши мумкин. "Кумуш"га ўхшаб сериаллар томошабинни саёз фикрлайдиган қилиб қўяди, ҳаракатдан, фаолликдан тўхтади...

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳалқимиз учраган маза-матрасиз кинони кўриб, дуч келган китобларни ўқиб кетаётгани йўқ. Жойлардаги учрашувларимизда ёш қарининг "оммавий маданият" хуружидан норозилиги, асрий аъналаримизга путур етаётганидан ташвишланаётгани яққол сезилиб туради.

Бугун сериалсеварлик кўпчилиكنинг ўзига хос дам олиш "машғулоти"га айланиб қолди, десак янглишмаймиз. Бу оммабоп мухлислик қамровини "етти ёшдан етмиш ёшгача" билан чегаралаб бўлмайди. Чунки, сал муболага билан айтсак, ҳатто ёшига етмаган чақалоқлар ҳам ҳар кунни муайян бир вақтда йиғлашдан тўхтаб, экранга кўз тикадиган бўлиб қолишгани рост. Ахвол шу даражага етмоқдаки, яна бирор йилдан кейин "Сериал — аср ...дир", дейилса, ҳеч ким ҳайратланмайди...

Мухтарам замондош, бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган ҳар икки мақолада ҳам билдирилган фикр-мулоҳазаларни кўпчилиكنинг нуқтаи назари сифатида эмас, балки муаллифларнинг кузатувлари, шахсий қарашлари деб қабул қиласиз, деган умиддамиз. Ўз навбатида, биз бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири сифатида талқин этилаётган телесериаллар бўйича бошқа баҳс-мунозараларга ҳам ўрин берамиз.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

фильм ва "Кумуш" телесериалини ўзаро солиштирсак, турк халқи турмушида Ғарб кадриятлари, "оммавий маданият" кўришлари тобора устуворлик қилаётганига гувоҳ бўламиз. Бундай саргузаштлар томошабин учун, албатта, қизиқарли, аммо сериалнинг мантиғи ва аудиторияга таъсири нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, менталитетимизга умуман, мос келмаслиги маълум бўлади. Сериалнинг давоми ҳам борган сайин миллий тийнатишимиз, асрий ахлоқ-одоб доираларидан узоклашиб боради. Масалан, дас-турхон атрофида, оиланинг энг кексаси Фикрибейнинг кўзи олдида ёшлар бир-бирининг пинжига кириб олишлари, ўпишиш ва қучоқлашлар кишининг гашига тегади...

Ғарбда оила институтининг инқирози ҳақида бонг урилмоқда. Туркияда ҳам ушбу тузилманинг пойдевори нураб бораётган экан-да, деган ҳаёлга борасан тиши. Сериалда кекса авлоднинг ўз маънавий меросини ҳимоя қилишга уриниши ва ёш авлоднинг ғарблашган маданият кўришларига ружу қўйиши каби жараёнга кенг ўрин берилган. Фикрибей оиласида барчанинг дас-турхон атрофида тўпланиши мажбурият бўлмай қолган, у аста-секин ўтмишда қолаётир, хотирага айланаётир. Юртдошларимиз сериалнинг ана шу жойларини чуқур ўйлаб кўриб, ўз оилаларидаги аъналарнинг қай ахволдалигини мулоҳаза қилишларини жуда ҳам хоҳлардик.

Мамлакатимиз киноижодкорлари ҳам кейинги йилларда қатор телесериаллар ишлаб чиқиб, халқнинг маънавий эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, Абдуқайом Йўлдошевнинг "Қалдирғочлар яна қайтади" телесериалини томошабинлар яхши кутиб олди. Фильм талабларга биноан қайта қўйилди. Мана шундай миллий сериаллар кўпайса, "Кумуш"га ўхшаб ёки Мексика фильmlари каби халқимиз менталитетидан узок, ёшларимиз дунёқарашини чалғитадиган телесериаллардан тезроқ қутуларимизми?

Бугун маиший мавзудаги телесериалларни кўриш борасида томошабинлар маълум бир орбитага чиқиб олди, дейиш мумкин. Уларни хориз сериалларидан юз ўгириб, миллий телесериалларимизга юз буришга мажбур этадиган даражада ижод қилиш кераклигини ёш драматург ва режиссёрларимиз тобора чуқурроқ ҳис қилимоқдалар.

Илём КУВОНДИКОВ,
Тошкент давлат маданият
институтини ўқитувчиси.



ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ КУМУШИ БОР...

Бироқ ҳозирги маънавий таҳдидлар жаддалашган, турли тусга кириб, товусдек товланаётган даврда бунинг ўзигина етарли бўлмай қолди.

Халқнинг қалби ва ақли ҳам ҳудди она тили сингари Ватан тимсолидир. Шундай экан, уни турли маънавий хуружлардан асраш, таҳдидлардан огоҳ этиш, муҳофаза қилиш ҳам она юрт ҳимояси ҳисобланади. Тақлидчиликка берилиб кетсак, бегона кадриятларга ружу қўя бошласак, миллий маънавиятимизга доғ тушириб қўймаймизми? Президентимиз таъбири билан айтганда, "Улуғ аждодларимизнинг шону шавкатига, ақлу заковатига, ҳаёт-бахш қутлуг меъросига ҳаммиса муносиб бўлмоғимиз керак. Фикрда, илму ижодда, дунёни идрок қилишда, Ватанини ймон билан севишда мумтоз боболаримиз аъналарини мардона давом эттиришимиз, улар етолмаган тараққиёт чўққиларини эгаллашимиз даркор".

Бахтиёр ИСОҚОВ,
Наманган вилоят Маънавият ва маърифат ҳудудий кенгаши тарғибот гуруҳи раҳбари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган минтақавий ахборот-таҳлил маркази етакчи илмий ходими, НамДУ доценти, тарих фанлари номзоди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳақиқатан ҳам, оммавий равишда томоша қилинаётган хориз сериаллари кенг маънода руҳиятимиз, миллий аъналаримизга ҳам сезилар-сезилмас даражада ўз таъсирини ўтказаятгани сир эмас. Масалан, бугун балоғатга етиб, кўнглида сеvgи оташи учкунлаётган ёш йигит-қизлардан ота-боболаримиз ва бугун 30-40 ёшга етганлар юрагини жунбушга соловган чин маънодаги соф муҳаббат дostonи саналган "Ўткан кунлар" қаҳармонлари Отабек ва Кумушлар ҳақида сўрасангиз, ҳеч иккилан-

масдан бийронгина тиллари билан Меҳмет ва Кумушнинг сунъий "муҳаббат"и тарихидан сўзлаб кетсалар қай ахволга тушасиз?

Йўқ, асло, таъбир жоиз бўлса, ошкора ва баралла айтмоққа ҳақлимиз: туркларнинг Кумуши Абдулла Қодирий бобомиз меҳр, вафо ва садоқат бобида бошқаларга намуна бўлгулик аъналарга эга халқимиз тимсолида яратиб кетган ўзбек Кумушининг гўзал ва бетакрор сийратига ҳеч қачон соя сололмайди! Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

— Муассар опа, кўпчиликини ҳали-гача бир савол ўйга толдиради: чекка бир туманда тўғилиб, вояга етган қизалоқнинг опера санъатига меҳр қўйиши қандай рўй берган экан-а?

— У пайтлари нафақат мен, балки очикчасига тан олайлик, бошқаларнинг ҳам операга бўлган муносабати, тўғрироғи, савия ва тушунчаси ўртамаёна бўлган, десам янглишмайман. Лекин шундай бўлса-да, менинг қалбимда мана шу йўналишга нисбатан чексиз иштиёқ, интилиш бор эди. Ўқувчилик йилларимдаёқ мактабимиздаги драма тўғаракларига қатнашиб, халқ йўлидаги болалар қўшиқларини ижро этардим. Айнан мана шу кезларда оҳангларнинг чинакам сеҳрини ҳис эта бошлаган бўлсам керак-да. Эсимда, бир кун опаларим Роза ва Ширин мусиқа тўғарағида ўрганган қўшиқларини уйга келиб машқ қила бошлади. Ишонасизми, ич-ичимдан уларнинг ижро йўли нотўғри эканини илгалагман. Ва тўғри

Муассар РАЗЗОҚОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

Опера — менинг ҳаётим!

ижро қандай бўлишини ўргатганим ҳамон ёдимдан чиқмайди. Аслида, ўшанда нота нималигини тушунмагман. Чунки ҳали ўқиш-ёзишни ҳам билмас, мактабга ҳам бормас эдим-да. Ана шундан кейин улар мени тўғарак раҳбари Абдукарим аканинг ҳузурига етаклаб боришди. У киши овозимни эшитиб кўрди-да, опаларимга руҳсат бериб, мени олиб қолди. Сеҳрли санъат олами сари ташлаган илк қадамим шу тариқа бошланган. Кейин туман, вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танлов, фестивалларда қатнашиб, голибликни қўлга киритганман.

— Айтишларича, опера ижро этиб сахнага чиқишни орзу қилиб юрган кезларингиз овозингизни эшитиб, ҳатто ошқора тарзда устингиздан қулганлар ҳам бўлган экан, шу гап ростми?

— Ўша пайтлари, айтдим-ку, кўпчиликда операга нисбатан нотўғри фикр мавжуд эди. Бундай йўл тутганлар санъатни тушунмаган эмас, тушунишни истаман, десам хато бўлмайди. Ваҳоланки, ўша замонларда маҳоратли операчиларимиз Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Назира Аҳмедова, Саттор Ярашевлар жажон сахналарига миллий санъатимиз намуналарини намойиш эта олишган эди. Негадир мен фаолиятимни бошлаган кезларимда катта қийинчилик, тўсиқларга дуч келганман. Ҳатто айрим санъаткорларимиз менга ишонсизлик билдириб, бу санъат ҳалокат ёқасида, унинг ҳеч кимга кераги йўқ, дея таъкидлашган ҳам. Лекин ҳеч қачон тушунлиқка тушмаганман, аксинча, ўзимнинг ёруғ орзу-ниятларим, аниқ мақсадларимни рўёбга чиқариш йўлида тинмай изланавардим. Чунки барибир бир кун келиб мени қўллаб-қувватлайдиган инсонлар бўлишига умид қилганман.

Шундан кейин орадан кўп вақт ўтмади: шахсан Президентимиз ташаббуслари билан опера санъатига катта эътибор қаратилди. Шу соҳада ижод қилаётган ёш икитдор эгалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланди ва бу нафис ва нодир санъат намуналарини бизнинг халқимизга ҳам нияҳатда зарурлигини исботлай олдик. Бундай рағбатлардан руҳланиб, чин дилдан ишлашга ва шу орқали миллий санъатимизнинг бебаҳо дурдоналарини дунё сахналарига олиб чиқишга муваффақ бўлдим.

— Яна бир қизиқ воқеани эшитганимиз: Москвада намойиш этилган концертдан сўнг машҳур опера юлдузи Елена Образцова сиз ўтирган гримхонага кириб келиб, қаршингизда тиз чўкиб, бетакор истеъдодингизга чин юракдан тан берганини айтган экан...

— Ана шу кунни эсласам, ҳалиям

кўзимга ёш келади. Бу концертда «Ромео ва Жульетта» операсидан партия ижро этган эдим. Энг юқори нуқтада қўйлаганман. Томошабинлар шунчалик ҳаяжон билан тинглаганки, асар якунида ҳамма ўрнидан туриб олқишлаган. Тинимсиз қарсақлардан сўнг кўтаринки кайфиятда гримхонага қайтганимни эсламан. Бир пайт Елена Образцова шундоқ қаршимга келиб тиз чўкканча, таъзим бажо келтирганини кўриб... кўзларимга ишонмай қолдим. Хайрат ичра секингина қўлидан тутиб турғаздим. Биз иккимиз ўшанда қўшилишиб йиғлай бошлаганмиз. У хайқирганча «Муассар, бундай ижродан кейин тиз чўкмай иложим йўқ, — деди. — Сен нафақат менинг ишончимни оқладинг, балки шунча мухлисларнинг ҳам меҳрини қозона олдинг, раҳмат». Бу сўзлар ҳали-ҳамон қўлқоғларим остида жаранглайди. Жаҳон операси афсонаси дея эътироф этилган буюк санъаткор менинг қаршимда тиз чўкиб туриши бу — ўзбек санъати олдида тиз чўкиш билан баробар эди! Мен ўшанда нафақат қувончдан, балки санъатимизнинг

машҳур спектакллар эса операнинг ватани бўлиши Италияда италян тилида яратилган. Жорж Бизенинг «Марварид қидирувчилар», «Кармен» асарлари француз тилида яратилган дурдона асарлардир. «Марварид қидирувчилар» операсини юртимизда француз тилида илк бор биз ижро этдик. Ўз вазирамизни имкон қадар уддалашга ҳаракат қиламиз.

— Санъатнинг турлари кўп. Кузатувларимизга кўра, айрим мақомчиларимиз ўзларини эстрада йўналишида ҳам синаб кўришмоқда. Сизда ҳам шундай ният туғилмадими?

— Йўқ, нега десангиз, менинг табиятимга бунақа зўрма-зўракиликка берилиш, чираниш деган одатлар ёт. Халқимизда «Чумчуқ сўйсаям, қассоб сўйсин» деган гап бекорга айтилмаган, тўғрими?

— Тўғри-ю, лекин матбуотда Муассар Раззоқова мақомда ўзини синаб кўрмоқчи эмиш, деган гапларни ёзишчи-да?

— Мен баъзан уйда, дўстларим даврасида ўзим севган мақом ашуларини баҳоли қудрат ижро этиб тураман. Мақомларни ўрганганман, муносиб ижроларни севиб тинглайман. Бироқ опера — менинг ҳаётим, уни ҳеч қачон бошқасига алмаштиролмайман.

— Машҳур санъаткорлар, бетакор истеъдод соҳибларига кўпчилик шогирд тушишни орзу қилади. Сиздан сабоқ олоқчи бўлган ёшларга қандай талаблар қўясиз?

— Гарчанд Ўзбекистон давлат консер-



ваториясида дарс бермасам-да, лекин икки йилдан буён Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси қошида ёш истеъдодларга опера санъати сирларини ўргатайман.

Кимда истак, хоҳиш, энг муҳими, истеъдод бўлса, марҳамат, келсин. Бу мактабни очилга кўмаклашган Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раҳбари, таниқли композитор Рустам Абдуллаевдан миннатдорман.

— Ватан тушунчаси сизга нима-ларни англатади?

— Ватан, менинг назаримда, инсоннинг йиғмони, вужуди билан боғлиқ тушунча. У руҳимизга қувват, юрагимизга далда берувчи жон, десам муболага қилмайман. Шундай жаннатмонанд юртни, тупроғида олтин гуллайдиган маъвои бизга Оллоҳ бериб қўйганига минг бора шукроналар айтишимиз керак. Санъат соҳасида хизмат қилаётганим учун қанчадан қанча хорижий давлатларда ижодий сафарларда бўламан. Ўз элигизда кўнглингиз хотиржам, бамайлихотир юрасан, кунларингиз қандай ўтганини сезмайсан. Ўзбекистондан бошқа жойга кетдингми, тамом, шу лаҳзадан бошлаб тинчинг-ҳаловатинг йўқолади. Кун санайсан, мухлислар ҳар қанча ардоқламин, олқишламин, барибир Ватанга, оилага, қадрдонлар бағрига исмсиз бир тўйғу оҳанрабодек тортаверди, тортаверди, Мана шунинг ўзи Ватан соғинчи, меҳр-муҳаббати эмасми?

— Сиз рус, италян тилларида ҳам опера қўшиқларини мукаммал ижро эта olasiz. Энди француз тилида қўйлашга киришдингиз. Кўп тилларда қўйлаб олиш бу опера санъатининг талабими ёки ўзингизнинг хоҳиш-иродангизми?

— Бу талаб эмас, аслида, мажбурият, жаҳон сахнасига чиққан ҳар бир операчининг бурчи саналади. У ҳамма тилларда ижро этиш салоҳиятини ўзида шакллантира олиши керак. Нима учун? Чунки, спектакль қайси тилда яратилган бўлса, уни шу тилда қўйлаш керак. Энг



ЁБОН — тилимизда нисбатан камроқ ишлатиладиган бу сўзнинг «ёвон» шакли ҳам бор. Масалан, «Ёзёвон» деганда шу шаклда қўлланилади. «Ёбон» сўзи «дала, дашт» деган маънони англатади.

Куз оқшоми тўшалар сокин, Пичан ҳиди анкир ёбондан.

Шавкат Раҳмон

ЭРИНЧАК — тилимизда ишқмас, дангаса, ҳафсаласиз каби маъноларни англатган бу сўзнинг туб илдизи қуйидагича мазмунга эга: қадимда тилимизда «эринч» деган сўз бўлиб, у «маишат билан кун кечириш» деган маънони билдирган. Дарҳақиқат, фақат маишат билан кун кечирган одам эринчак бўлиб қолиши табиий.

Эринчак икки ишлар, охири бармоғин тишлар.

Мақол

Эринчакнинг иши битмас.

Мақол

СЎҚОҚ — маълумки, юртимизда бу сўз билан аталадиган жой номи-лари ҳам бор. Бу сўзни маҳаллий аҳоли «суви қўқ» деган маънода изоҳлайди. Қадимда «суқак» сўзи «оқ кийик» деган маънони билдирган.

Сўқоқ қишлоғида табиатнинг гаройиб манзараларига дуч келасиз.

Газетадан

ТЎҚЛИ — бу сўзни чорвадорларимиз кўп ишлатадилар. Умуман, кўзилар бир ёшга тўлган пайтда, уларни «тўқли» деб аташади.

— Ўзинг сўққа жонингни боқолмайсан-у, тўқлини қандай боқасан, — деди шум бола Омонга.

Ғафур Фулом

ҲИСОР — тилимизда «Ҳисор тоғлари», «Ҳисори қўй» каби бирикмалар ишлатилиб туради. «Навоий асарлари луғати»да «ҳисор» сўзи «қўрғон, қалъа, истеҳком» деб изоҳланган.

Олти жиҳатдин анга бўлғай ҳисор.

Алишер Навоийнинг
«Хамса»сидан

ҚИЛИК — бу сўз «қил» феълига «-ик» қўшимчасини қўйишдан ҳосил бўлиб, «қилган» деган маънони англатади. Худди шу каби «пишиқ» сўзи ҳам «пишган» деган мазмунни билдиради. «Қўрик» сўзи эса қўриладиган ер маъносида келади.

Ёмоннинг бир қилиғи ортик.

Мақол

НАСР — Тилимизда «назм» ва «наср» сўзлари кўп ишлатилади. Айниқса, адабий асарларимизда уларга кўп дуч келамиз. Прозада ёзилган барча асарлар «наср» деб аталishi ҳаммамизга маълум. Хўш, бу сўзнинг асл маъноси нима? «Наср» сўзнинг туб илдизи «сочди» деган маънони англатади. Ҳақиқатан, насрда сўзлар сочилиб туради. Назмда эса, қатъий вазн қоидаларига бўйсундирилади.

Назм анга гулшанда

очилмоғлиги,

Наср қаро ерга сочилмоғлиги.

Алишер Навоийнинг

«Хамса»сидан

Эшқобил ШУКУР

тайёрлади.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Истиқболли корхона

дея таърифланаётган "SAMROS xolod"
тараққиётга хизмат қилади

Самарқанд тумани Гулобод кўрғонида жойлашган "SAMROS xolod" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда иш бир зум ҳам тинмаслиги гауҳ бўлди.

— Корхонамизда замонавий қурилиш материаллари ва халқ истеъмол товарларидан пенополистиролли деворбоп ва том ёпиш учун металл сендвич-панеллар, пенополистиролли цементли сендвич-панеллар, профнастил, металл профиллар, пенополистиролли плиталар, пластмасса қўтилар самарали технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда, — дейди корхона раҳбари Акпар Шарапов. — Маҳсулот сифатлилиги биринчи навбатда хомашёга боғлиқ. Корхонамизнинг асосий хомашёси пенопласт фақат дунёнинг уч мамлакатидан: Канада, Россия ва Хитойда мавжуд. Биз хомашёни асосан, Хитойдан харид қиламиз. 98 фоизи статик ҳаводан иборат бўлган, оқ рангли каттик кўпиклантирилган термопласт хомашё Хитойда ёнғинга чидамли қилиб тайёрланади. Хитойликлар уни ишлаб чиқаришда оловга чидамли антипирен моддасидан фойдаланишади. Бу гарчи бироз қимматроқ бўлса-да, бизга жуда маъқул келмоқда.

Бугун мамлакатимизда уй-жой, савдо, ижтимоий-маиший иншоотларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Бундай биноларни қуришда унинг муддатиди, сарф-харажатларини камайтириш, сифатини таъминлаш борасида янги қурилиш материалларини ишлаб чиқиш ва қўллашнинг давр талаб этмоқда. Замон талабидан келиб чиқиб, корхонада пенопластдан сендвич-панеллар ишлаб чиқарилаётти. Бу материал монтаж учун меҳнат сарфини, бинони пардозлаш, конструкцияларни тез суръатларда тиклаш, иншоотни иситиш ва ундан фойдаланиш жараёнида сарф-харажатларни тежайди. Сендвич-панелларнинг вазни енгил бўлгани боис иншоотларни қуриш пайтида уларни ортиш, тушириш ва юқорига кўтариш учун мураккаб техника ва жиҳозлар зарур бўлмайди. Аҳамиятисини шундаки, сендвич-панелдан қурилган бинони зарур пайтда қисмларга ажратиш ва бошқа жойга кўчи-

риш ҳам мумкин.

— Сендвич-панел экологик жиҳатдан ҳам тоза материал бўлиб, атроф-муҳитга ва инсонлар соғлиғига зиён етказмайди, — дейди корхонанинг маркетинг бўлими маркетинг Ойбек Саъдуллаев. — Бу барча

турдаги бино ва иншоотларни қуришда фойдаланиладиган муҳим қурилиш материалдир. Корхонамиз цехларида тайёрланаётган том ёпиш учун ва деворбоп сендвич-панеллар уч қатламли, яъни иккита рухланган панеллар қопламали пўлат тахта ва пенопластли совуқ ўтказмайдиган қатламга эга. Унга қўшилидиган махсус кимёвий моддалар қотирувчи ва безак берувчи элементлар билан бирга панелларнинг ўзаро герметик ва мустаҳкам бирикшини ҳам таъминлайди. Бу панелларнинг ташки қатламлари табиат ҳодисаларига керакли даражада қаршилик кўрсата олади. Сендвич-панелларда қўлланилган иссиқлик сақловчи материаллар эса асло деформацияга учрамайди. Улар занглашга қарши махсус гигиеник қатлам билан қопланган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида зийнат қатлами сифатида ҳам хизмат қилади.

Бугунги кунда корхона маҳсулотлари улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётган, эркин иқтисодий-индустриал ҳудуд барпо этилаётган Навоий вилоятига, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида бунёд қилинаётган турмада ҳам етказиб берилмоқда.

Жорий йилда корхонада мамлакатимизда биринчилардан бўлиб уй-жойлар қурилиши учун мўлжалланган цементли сендвич-панеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун Хитойдан 260 минг АҚШ доллари қийматидagi замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. 2010 йили корхонада 74 та янги иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилда бу рақам 100 дан ортиши режалаштирилган. Яна бир эътиборли жиҳати, корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ақсариетини қишлоқ ёшлари ташкил қилади.

Хошим ОРЗИҚУЛОВ,
"Оила ва жамият" мухбири.
Самарқанд вилояти. (т)



«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қўнғидagi ўқув курсларига таклиф этади.

Тикуччилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шима, плаш-пальто — 1-2 ой.
Хамшира — 6 ой, 4 ой ўқиш.
Хамшира (тезкор) — 3 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғурча, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Педикюр, маникюр — 1 ой.
Сартарошлик — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклар ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тўкуччилик — 2 ой.
Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Бисер, яъни муноқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан
Ўқитиш тугатганларга
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусов бод тумани 3-мавзое 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусов бод дехқон бозори бош томони орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72 (18⁰⁰), 225-97-93 18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача.

ФИЛИАЛ
Манзил: Хамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Кўнлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўнлик киний бозори. Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (қўнғузи)

ЎРГАТАМИЗ, ТИКАМИЗ

Олий даражада турк каталоги бўйича сон-саноксиз мураккаб, эксклюзив Франция, Италия, Рим пардалари, балдахин, покрывал сирларини тўлиғича технология амалиёти билан ўргатамиз, сифатли тикамиз.

Тел: 338-02-00,
751-84-44.

Манзил: Чорсу бозорида
«Гули» пардалар салони



«ЗУККО» НТМ ўқув маркази

сизларни замонавий турдаги ўқишларга таклиф этади.

1 ойлик ўқиш. Тезкор гуруҳлар

Оилада биринчи ёрдам — 105 000 сўм.

Уйғур таомлари — 40 000 сўм.

Тортларни олий даражада безатиш — 60 000 сўм.

2 ойлик ўқиш

Европа ва миллий таомлар 1 ой учун — 40 000 сўм

Қандолатчилик 1 ой учун — 35 000 сўм

Элита парда ва чойшаблар 1 ой учун — 35 000 сўм

Компьютер 1 ой учун — 40 000 сўм.

Сартарошлик 1 ой учун — 35 000 сўм.

Қўлда тўқиш 1 ой учун — 35 000 сўм.

3 ойлик ўқиш

Оилада биринчи ёрдам 1 ой учун — 35 000 сўм

Рус тили 1 ой учун — 35 000 сўм.

Инглиз тили 1 ой учун — 35 000 сўм.

Бухгалтерия 1 ой учун — 50 000 сўм.

Электр асбоб-ускуналарини сошлаш 1 ой учун — 50 000 сўм.

Бичиш-тикиш 1 ой учун — 35 000 сўм.

Терминал бор

Гувоҳнома 000047

Манзил: Тошкент шаҳри "Тинчлик" метро бекати ёнида.
Тел: 242-36-71

Хоразм вилояти Урганч шаҳри. Тел: (+99862) 221-68-23
Кўкон шаҳри Фурқат кўчаси. Тел: (+99873) 737-44-14

Азиз фарзандларим

Мирзашоир ва Шаҳобонун!

Таваллуд топган кўнларингиз ҳамда оила қурганингизга 15 йил тўлиши муносабати билан чин дилдан муборакбод этаман. Фарзандларингизнинг бахту камоллини кўриб юринингизни Оллоҳдан сўрайман.



адангиз Сотволди ака.
Тошкент шаҳри.

Хурматли устозимиз
Сожиба Абдуллаева!

Таваллуд топган кўнларингизнинг табарруқ 50 йиллиги билан кизгин кутлаймиз. Мустаҳкам соғлиқ, сермазмун умр тилаймиз. Илм-маърифат беришда чарчаманг. Фарзандлар камоллини кўриб юринг, деб собиқ ўқувчиларингиз номидан

Уллубек, Бахтиёр, Алибек, Бахтиёр.
Тошкент вилояти Паркент тумани.



Тошкент шаҳри Олмазор тумани Қорасарой кўчаси 269-уйда хизмат қилувчи Абдурашид Абдусатторов номига 2.02.2011 йилда берилган №9035095ТХ-1 рақамли патта йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Профессор LOLA MO'INOVA

номидаги ўқув-коррекцион марказида

фарзандингизнинг илк ёшидан ривожланишида нутқ нуқсонини ва ногиронлигини бўлса, логопедик ёрдами ва ўқитиш гуруҳлари ташкил қилинди.



ЖУМЛАДАН:

- Боланинг нутқ нуқсонини ташхис қилиш;
- Болалар ва катталарда товушлар талаффузини коррекциялаш (товуш қўйиш);
- Кичик мактаб ёшидаги болаларда озғани ва ёзма нутқдаги камчиликларни коррекциялаш;
- Рухий ва нутқий ривожланишда орқада қолган болалар билан ишлаш;
- Дудуқланувчи болалар, ўсмирлар ва катталар билан машғулотлар ўтказиш;
- Тез ўқишга ўргатиш;
- Болани мактабга ўқишга тайёрлаш;
- Тил ўрганиш (она тили, рус тили, инглиз тили)
- "Ўзига хос" болаларнинг ота-оналарига маслаҳат бериш;
- Мутахассис — логопедларга маслаҳат бериш;
- Физикотерапевт ёрдам бериш.

Ўз фарзандларининг соғлиғига ва ҳаётига бефарқ бўлмаган ота-оналар ва барча хоҳловчиларни таклиф қиламиз.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри Чехов кўчаси 5-уй. ИИВ Маданият саройи.
Тел: 110-79-74, (+99890)900-87-81. Гувоҳнома № 004671 84ТУ

Бир ҳовуч дур

Тарбиянинг илк босқичида болалар сиймосида амалдорни ҳам, шоирни ҳам, ҳунармандни ҳам эмас, инсонни кўроқ зарур, кейин у инсон бўлгани ҳолда охир-оқибат у ёки бу касбни эгаллайди.
В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Яхши тарбия сифати ҳақида кўп мулоҳаза юритадилар. Тарбия деганлари гарчи яхши хислатларни ўз ичига олса-

да, мен ундан, энг аввало, сотқин одамни тарбияламасликни талаб этардим.

Ж. Ж. РУССО

Болаларни ҳаммавақт ҳам тақдирлай-вериш ярамайди. Оқибатда улар ўзларига бино қўя бошлайдилар ва сал насага ўзларини тарозига солиш фикри кучая боради.

И. КАНТ


Яратгандан фарзанд сўраган инсон борки, энг аввало, унинг тарбияси гўзал бўлишини истайди. "Бола азиз, одоби ундан азиз", дейди қарияларимиз. Одоби бола... Ана шу иккита сўз замирида ота-онанинг неча йиллик меҳнати натижаси бўлиши қатор инсоний фазилатлар мужассамдир. "Болангизнинг роҳатини кўринг", дейилганда ҳам, аввало, ҳуш-хулқ фарзанднинг тарбиясидан баҳраманд бўлиш тушунилади. Замон қанча илгариллаб кетмасин, янги-янги имконият, вазибалар олдимизда кўндаланг турмасин, ота-оналик бурчимиз одоби фарзанд ўстириш эканини унутмаслигимиз керак. Психологларнинг кузатишларича, кейинги пайтларда, афсуски, айнан ушбу масъулиятли иш катталар эътиборидан четда қолаётган экан. Ҳўш, бу муаммонинг илдиши қаерда? Тан олиш керак, ахлоқий меъёрларни билмаслик, бола ҳулқ-атвори шаклланишининг ўзига ҳосликларини тушунамаслик маънавий инқирозга йўл очувчи асосий сабабдир.

Олимлар ҳулқ-атворнинг икки асосий белгисини кўп таъкидлашади: **ўзини ёмон хатти-ҳаракатдан тийиш ва хато қилган, ўзини айбдор ҳис этиш**. Демак, болага нима тўғри-нотўғрилигини яширмай тушунтириб бориш, хатосини эса тузатишга ундаш керак. Мутахассислар фикрича, ҳулқ-атвор наслдан-наслга ўтмайди, балки амалий тажриба орқали

Боланинг беғубор нигоҳи

бола 9-10 ёшга киргунча шаклланади. 9-10 ёшли бола бемалол қондаларга риоя қила олади ва ўзини ёмонликлардан олиб қочади. Масалан, 2-3 ёшли болалар фақатгина ота-онанинг олдида тартибларга риоя қилади, бошқа маҳал эса ўз билганича иш тутуши мумкин. Азалдан маълумки, бола тарбияси ҳомила давридаёқ бошланади. Бу онанинг осойишта, беҳавотир ва бўлғуси фарзанд билан онанинг руҳий муштарак бўлиши кераклигини билдиради.

Тарбиялаш ота-онанинг тенг вазифаси. Лекин ҳар икки мураббийнинг болага таъсири бўлакча. Психология фанида катта бурилиш ясаган машҳур олим Зигмунд Фрейд бу борада шундай фикр билдиради: инсонда икки хил ахлоқ шаклланади. Биринчиси меҳр-оқибатга асосланган, яъни боланинг она билан муносабатидан келиб чиққан ахлоқ. Иккинчиси агрессия (зўравонлик)га асосланган, матонат, чидам-бардошли бўлишни тарғиб этувчи ҳулқ отанинг таъсири остида шаклланади. Фрейд таълимотига кўра,



бола 2,5 ёшга тўлганда отасини рақобатчи билиб, она меҳри учун кураша бошлайди. Отасидан ҳайқиби, ўзини у билан таққослайди ва ўзида етишмаётган хусусиятларга интилади. Бу жараён инсон "мен"нинг шаклланишига олиб келади. Табиийки, бу ҳолатларни ҳеч бир бола ақлан тушунмайди ва ҳар бир ёшда ахлоқий ўзгаришлар турлича бўлади. Масалан, ёш болалар ўрнатилган тартиб-қоидаларни билган ҳолда унга риоя қилмаслиги мумкин. 10 ёшдан кейин эса бола ҳамкорликка интилиб, катталар томонидан тан олинишга интилади.

Болаларча бир ёқлама фикрлашнинг

МУШОҲАДА

яна бир тури — қонуан ҳамма нарсаларни тенг бўлиб бериш керак (7-8 ёш), деган тушунча. Шу тариқа бола адолат ўрнатишга интилади, аммо бунда бола ахлоқий омилларни инобатга олмапти, яъни ҳаммани тенг кўриш жуда мураккаб. Болалар дунёқарашидagi бошқа тафовут бу — эгоцентризм феномени, яъни ўз «мен»ини бошқаларникидан ажратолмаслигидир. У «мен» чегарасини кўролмайди, вазибалар фақат унинг атрофида бўлаётгандек туюлади. Боланинг ўз фикри, нуқтаи назари, позицияси бор, аммо худди шу масала бўйича бошқача фикр борлигини инобатга олмапти.

Юқоридаги ҳолатларни эътибордан қочирмаслик болалар тарбиясида йўл қўйилмаган хато-нуқсонларни бартараф этишга ёрдам беради. "Нега билмайсан?", "Шуни ҳам тушунтирайми?", "Хаёлинг қаерда эди?" деб болага тазйик ўтказишдан олдин бизнинг ўзимиз дунёга боланинг назари билан қарашини ўргатсак, бераётган тарбиямиз мазмунли ва самарали бўлади.

Лола НАЗИРОВА,
психология фанлари номзоди.
Ширин АКБАРОВА,
Низомий номидаги ТДПУ
2-курс магистранти.

«Мен бир қўшиқ айтаман...»

2005 йилнинг баҳор ойлари. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бўшқармасида ишлаётган кезларим. Касбга йўналтириш ва ўқувчиларнинг психологик-педагогик ташхиси маркази раҳбари лавозимига Гулчехра Шаҳобиддинова номзоди тавсия қилинди...

Гулчехра Шаҳобиддинова ўз билими, таълим соҳасидаги кўп йиллик тажрибаси туфайли 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқишга йўналтириш ҳамда психологик-педагогик ташхис ишларини йўлга қўйиш бўйича юқори кўрсаткичларга эришди. Кўп ўтмай, Халқ таълими вазирлигининг таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бўшқармаси, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бўшқармаси етакчи назоратчиси лавозимига ишга ўтди. Меҳнат фаолиятининг сўнгги босқичида эса Шайхонтоҳур туманидаги 276-мактаб директори лавозимига тайинланди. Гулчехра Шаҳобиддинова оғир хасталикка чалинганлиги туфайли мактабдаги баъзи тадбирларда қатнаша олмаса ҳам, ҳаётининг деярли охириг қўнигача таълим-тарбия фаолиятдан узоқлашмади. Яқин дугонамиз, қадрдон опамиз 45 баҳорни қаршилаб, бедаво дард азобини чекиб, қаторимиздан кетган бўлса-да, бунгача ёш авлод тарбиясига 24 йил умрини бағишлаб улгурганди...

Гулчехра опа ҳамма нарсанинг ўз ўрнида, гўзал бўлишини истарди. Сўнгги кунларининг бирида "Сингилжоним, биласиз, тадбирларнинг чиройли ўтишини яхши кўраман. Тўй ҳам, охириг йўлга кузатиш ҳам бир маросим-да! Илтимос, қадрдон дугоналарим билан бош бўлиб, маросимларини чиройли қилиб ўтказинглар. Шу кун фарзандларимнинг ҳам чиройли бўлиб юришига қараб туринг. Чирогини ёқиб ўтирадиган, тилаб олган тойюғим Отабегимни кўзим қий-

маяпти. Ахир, у энди тўққиз ёшга тўлган, ўғлимдан хабар олиб туринглар", дея васият қилди. Кўз ёшларини менга кўрсатмасликка уринган бўлса-да, қалбани йиғлаётганини сездим. Инсон ўзи учун оғир бир пайтда ана шундай эзгу умидлар ҳақида қандай ўйлаши мумкин, бунга қанча матонат ва куч керак бўлар экан, деб лол қолдим. У азоб чекаётганини бировга кўрсатишни хоҳламасди. Хатто операциядан кейин ҳам ҳеч кимга бепардоз кўринмаган. Иродаси шундай кучли эдики, вафотидан бир ой олдин яқин дугонамиз тўй қилганида касалхонадан бир соатга келиб кетди. Ким билсин, балки ўшанда барча ёру биродарларим билан хайрлашиб олай деб, куч йиғиб келгандир тўйга.

2010 йил 4 май куни эрталабдан негадир кўнглим ғаш бўла бошлади. "Гулчехра опам тузуқмикан? Бир мўъжиза бўлиб, фарзандларининг бахтига соғайиб кетсин-да", деган ўйлар хаёлимдан кечди. Соат 11 ларга яқин телефоним жиринглади, қарасам, Гулчехра опамнинг рақамлари чиқди. "Хайрият-эй, тузук экан", дея гўшақни кўтардим ва тўнгич қизи Комиланинг овозини эшитдим. У, гапларини аранг-аранг англадим: "Умида опа, аям оғирлашиб қолдилар".

...Гулистонга етиб бордик. Ҳовлига кирсак, ҳамма йиғламсираган, аёллар елкасига оқ рўмол ташлаган, гапиришга тилимиз бормайди. Меҳмонхонага Гулчехра опанинг катта суратини қўйиб қўйишган экан, кўришимиз билан ўзимизни тўхташ олмадик. Кейин билсак, ҳеч ким касал аҳолимини кўрмасин, кел-



ганлар шу суратдаги қиёфамни эслаб қолишсин, деб васият қилган экан. Бизни у кишининг ёнига киритишмади. Ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас, Каромат опаси "Дугоналаринг шу ерда, ҳаммаси етиб келишди", деганидан кейин... жон берди. Отабек эса бўлаётган воқеаларни жажжи юракчаси билан тушунар-тушунмас йиғлар, аммо энди меҳрибон онажонисини топа олмаслигини, энди у кечалар бағрига босиб, ширин суҳбатлар қурмаслигини, мактабдан қайтганида "Оташим, келдингми, жоним?" деб кутиб олмаслигини билмасди...

Кечатгина узоқ-узоқ суҳбатлар қуриб, ўйнаб, қулиб, яхши-ёмон кунларда бирга бўлиб, энди унинг даврамизга бошқа келмаслигини билиш, бизга яқин бир юрак уришдан тўхтаганини ҳис қилиш... нақадар оғир.

Гулчехра опа давраларда «Мен бир қўшиқ айтаман...» деб бошланувчи ушбу шеърни кўп такрорларди:

Мен бир қўшиқ айтаман,
Дунёнинг торлиги ҳақида.
Мен бир қўшиқ айтаман,
Хижроннинг борлиги ҳақида.
Мен бир қўшиқ айтаман...

Умида ВАЛИЕВА

ХОТИРА ЁҒДУСИ

Чарос Бахриева биз билан халқаро журналистика факультетида таҳсил олар, келажакда ёзувчи бўлишни орзу қиларди. Унинг бу соҳага қадам қўйишга журналистлар оиласида дунёга келгани туртки бўлганди...

Ҳар кунги ўқишга келиб, хонага киришим билан охириг партада Чароснинг жилмайиб ўтирганини кўриб, кўнглимга қандайдир хотиржамлик инарди. Бугун ушбу партада ўтириш мен учун азобга айланган. Умримда биринчи марта айрилик нималигини билдим.

Табиатан бироз қайсарроқ бўлганим боисми, атрофимдагиларга кўпинча қаттиқроқ гапириб юбораман. Аммо Чароснинг беозор кўзларига қараб, бунга ҳеч ботинолмасдим. Биллур кўнглига озор етказишдан қўрқардим. Дугонамизни таниган-билган борки, унга мафтун бўлиб қоларди. Хулқи, одоби ҳам ҳуснидек гўзал эди. Майин табассуми, меҳр билан боқиб турган кўзлари... Бугун ҳамма уни шундай хотирлайди.

Кизлар дарсдан сўнг у ер-бу ерга айлангани боришса, Чарос тўғри уйга кетарди. Чунки сингиллари ва жажжи укасини яхши кўрарди. Ҳамма нарсани уларга илинарди. Вақтини кўпроқ жигарлари билан ўтказишга ҳаракат қиларди. Сингилларининг орзулари, укасининг янги қилиқларини тўлиб-тошиб гапириб беради... Чарос Бахриева билан боғлиқ гўзал хотираларим шунчалик кўпки, қайси бирини айтишни ҳам билмайман. У чин маънода умримизнинг бир парчасига айланиб қолди. Дугонамиз Нигора Мирсодиқова кечинмаларини шундай қозога туширган:

Сен ярашиб турардинг бирам
Нозиккина бўйларинг билан.
Ёруғ олам чирқираб қолди,
Синиб қолдинг, кўзумунчоққинам.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

Бардавом амаллар



Жўрақул Йўлдошев 1961 йили Бухоро давлат педагогика институтини битириб, мактабда она тили ва адабиёт фанидан ёшларга сабоқ бера бошлаган. Ўқитувчилик фаолиятига киришганидан кўп ўтмай, 1964 йили Қорақўл туманидаги 5-мактабга директор этиб тайинланди, 1986 йилгача мазкур вазифасида фаолият юритди. Шу йилларда туман мактаб директорлари шўъбасини бошқариб, ўқув-тарбия ишларини яхшилашда амалий, назарий ёрдамларини аямди. Фақат ташкилий ишлар билан чекланиб қолмай, "Сўз қудратига таяниб", "Она тили дарсларида педагогик ҳамкорлик", "Она тилини ўқитишда ўқувчиларнинг нуқтини ўстириш" каби рисоалар ҳам ёзиб, ўз тажрибаларини оммалаштирди. Вилоят, туман миқёсидаги семинар ва конференцияларда, республика педагогика ўқишларида мазмунли маърузалари билан қатнашди. 1998 йили қарилек нафақасига чиққанидан сўнг ҳам тиним билгани йўқ. Кишлоқ оқсоқоли вазифасида ишлаб, элнинг яхши-ёмон кунини бош-қош бўлиб, билим ва тажрибаси билан ёшларнинг энг яқин маслаҳатдўйига айланди.

Устоз қарийб қирқ йиллик ўқитувчилик фаолияти давомида юзлаб шогирдлар тайёрлаб, эл назарига тушган. У киши ўз шогирдларининг турли жабҳаларда ишлаб, ном қозониб юрганини эшитганда доим кўнгли фахрга тўларди. Қамтарона меҳнатлари давлатимиз томонидан ҳам муносиб тақдирлангани кўпчилики мамнун этди. Бугунги кунда Жўрақул Йўлдошевнинг шогирдлари, жулмадан, фарзандлари ҳам оталари ишончини оқлашга интилаётди.

Авезжон БЕКМУРОВО

БОШИМДАГИ ТОЖИМ

Кетдингиз, дунёда бизларни ташлаб, Қолдик ортингизда, кўзимиз ёшлаб, Чин макон сари йўл олдингиз, она, Оқ либосни кийиб, кўнглини ғашлаб.

Фариштадек қўкка учиб кетдингиз, Юлдузларга ҳамроҳ бўлиб етдингиз. Нурул сиймоингиз қалбларда қолди, Жаннатим, жаннатин инсон эдингиз.

Мол-дунё орттирмай, савоб топдингиз, Эзгулик қилгани шитоб чопдингиз. Одамлар яхшисин ошириб мактаб, Ёмонин беркитиб, шу тоб ёпдингиз.

Бошимдаги тожим, маккатиллоим, Жойингиз жаннатда эрур, илоийм. Дуоларим бўлсин сизга соябон, Муқаддас ёдингиз ёдимда доим...

Сайёра НАБИЕВА

Гўзал кўринишни истаган аёл пардоз-андозни қанда қилмайди. Аммо косметика воситаларини ҳаддан ортқ ишлатиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини ҳам унутмаслик керак. Рекламаларда жарангдор янграйдиган «фақат табиий» деган иборага кўпда ишонмаган маъқул, ўша косметиканинг таркибиде нималар борлигини ким билади, дейсиз.

Косметик воситалар сунъий ниқобми?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир аёлнинг косметика воситаларидан фойдаланиши натижасида йил бўйи унинг организмга икки килодан зиёд-роқ кимёвий моддалар сингиб кетар экан! Айни пайтда, косметика саноатида



қўлланиладиган етмиш мингга яқин моддаларнинг уч минги Европада асман зарарли деб топилган.

Косметика харид қилаётганда унинг таркибиде нималар борлигига албатта, эътибор қаратинг. Маҳсулотга бундай ёзувни қўйиш ривожланган мамлакатларда қатъий талаб этилади. Куйида косметика воситалари таркибига қўшилаётган айрим хавфли моддалар билан таништирамиз. Хулоса қилиш эса ўзингизга ҳавола.

Алкоголь томоқ ва оғиз бўшлиғи саратонига учраш хавфини орттиради.

Алюминий эса асабийлашиш, мия фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади.


Бентонит деб аталувчи табиий минерал юз терисига мўлжалланган ниқобларга қўшилади. Унинг заррачалари қиррали бўлиб, терини тирнаб юбориши мумкин.

Бундан ташқари, териға ҳаво ўтказмай, қуришиб қўяди.

Каолин ҳам худди шундай хусусиятга эга. Устига-устак, зарарли аралашмалардан ҳам холи эмас.

Минерал мой ёки техник мой нефтдан олинади, терида намликни ушлаб туриш мақсадида қўлланилади. Терингиз юмшоқ бўлса, силлиқ туолади, ўзингизни ёшроқ ҳис қиласиз. Аммо унутмаслик лозимки, бу мой нафақат намликни, балки тери орқали чиқиши керак бўлган захарли моддалар, карбонат ангидрид газини ҳам тўхтатиб қўяди, терининг нафас олишига йўл қўймайди. Шу тариқа тери касалланади, ҳужайраларнинг ўсиши секинлашади. Техник мой қўшилган ҳар қандай маҳсулот терини қуришиб юборади.

Рекламаларда Ланолин моддаси «териға жуда осон сингадиган мой» сифатида макталса-да, бу ҳалғича илмий тасдиғини топмаган. Мутахассисларнинг таъкидла-



бўлар экан.

Бундан ташқари, коллаген, липосомалар, пропилен гликол, содиум лаурил сульфат, тирозин сингари қатор моддалар ҳам борки, уларнинг ҳам инсон саломатлиғига зарарли ҳужатлари оз эмас.

Телевидение ва радио орқали тинмай бонг урилайётган «Табиий косметика», аслида, рекламадан бошқа нарсасиз. Шундай экан, аёлнинг ўзи табиатан гўзал, унга ҳеч қанақа табиийлик ниқобидеги сунъийлик керак эмас. Эҳтиётсизлик натижасида ўз табиий гўзаллигингизга зарар етказиб қўйишдан сақланинг, азиз аёллар!

Камола АХМЕДОВА тайёрлади.

ГўЗАЛЛИК СИРЛАРИ

шича, ланолин терининг сезгирлигини ошириб юборади, ҳатто аллергия кўзғатиши мумкин.


Лорамид дейдан косметикада кўпиклатувчи хусусияти борлиги учун фойдаланилади. Шунингдек, ёғларни кетказа олгани учун идиш-товоқ ювишга мўлжалланган воситалар таркибига ҳам қўшилади. Лорамид дей тери ва сочи куруқ қилиб қўяди, бош терисини қичиштиради, аллергияни кўзғайди.

Глицерин сув ва ёғнинг кимёвий бирикшидан олиниб, кремлар ва лосьонлар таркибига қўшилади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, глицерин терининг куруқлашига сабаб

АЖАБ ОЛАМ

МАРАДОНА ҲАЙКАЛИ

Беш йил муқаддам Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида афсонавий футболчи Диего Армандо Марадонага ҳайкал қўйишганди. Ҳали тирик бўлган ва баъзи тадбирларда футбол ўйнаб турадиган Марадонага ҳайкал қўйилиши кўпчиликни ажаблантириши мумкин, аммо аргентиналикларни эмас. Чунки Марадона Аргентинада миллат қаҳрамони сифатида эътироф этилади.



Бронзадан ясалган ушбу ҳайкалнинг бўйи 2,2 метр ва оғирлиғи 300 кг. Ҳайкал бир пайтлар Марадонанинг ўзи тўп сурган «Бока Хунирос» жамоасига тегишли «Бомбонера» стадиони музейига қўйилганди. Уни тайёрлаш учун сарфланган маблағ Марадонанинг бутун ер юзидеги муҳлислари томонидан йиғилган. Афсонавий футболчи ўзига қўйилган ҳайкалнинг мавжудлиғига

ишонармасди. Аммо бундан қанчалик ҳаяжонланганини шундай ифодалаган эди: «Мен бу гоёни ўйлаб топган ва қўллаб-қувватлаган барча муҳлисларимдан бир умр миннатдорман. Бугун жудаям эҳтиросли лаҳзаларни яшаб турибманки, буни ҳеч қачон унутмайман. Бу совға мен ва оилам, айниқса, қизалоқларим Далья ва Жанниналар учун алоҳида ифтихор тимсолидир!»

Яхши биласиз, Марадона «ХХ асрнинг тенгсиз футболчиси» сўрвномасида Пеледан кейин иккинчи ўринни эгаллаган эди. У ҳақдаги турли ўринли-ўринсиз мишмишлар ҳам сизга маълум. Бироқ муҳлислар муҳаббати уни яна илҳомлантириб, катта футболга қайтишга ирода кучини ҳада этганди. 2010 йили ЖАРда бўлиб ўтган футбол чемпионатида Марадона бош мураббийлик қилган Аргентина миллий терма жамоаси чорак финалда Германия терма жамоасидан енгилганди. Шундай бўлса-да, бу натижа Марадона туфайли Аргентина футболчинини яна жонланганини ифода этарди. Бироқ чемпионлик орзусидаги Марадонанинг кайфияти тушиб кетди. Ҳатто маълумиятдан кейинги матбуот-конференциясида бош мураббийлик вазифасидан истеъфо беришини таъкидлайди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Аргентина Конгресси куйи палатаси депутаты Хуан Кабандие миллий терма жамоа бош мураббийига расман ҳайкал ўрнатиш таклифини ўртага ташлади. Ҳайкал Марадона туғилиб ўсган мавзедан узоқ бўлмаган Пуэнте-ла-Нория туманида қад ростлаши кўзда тутилган. Бу таклиф расман инobatта олингани ва тўла қўллаб-қувватлангани ҳақида ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

КЎЗ-КЎЗ

У яхшилик қилди, дарёга отмади, ҳаммаёққа жар солди, кўз-кўзлади. Яхшилик қилганини етаклаб ҳали матбуотга чопди, ҳали радиого... Оғиз кўпиртириб макташди. Оғиз кўпиртириб мактади. Ўнг қўли кўриб турмасди, чап қўли қимирламади.

Аммо... иши юришмади. Бири икки бўлмади. Бирини ўн қилиб қайтармади Оллоҳ. Негаки... У интилган нарсаси савоб эмас эди...

ЖИЛОВ


Шундайлар борки, уларнинг жиловда тургани яхши. Худ-беҳудега жиловни узиб кетавермайди. Айтилган ишни қилади. Эътибор ҳам топади.

Аммо... Жилловини қўйиб юборсанг борми, оёғи ердан узилади. Босар-тусарини билмай қолади. Ўзи хон, қўланкаси майдон бўлади. Ўзидан бошқани оёқ учиде кўрсатади. Мисқоллаб йиққан обрўсини ботмонлаб совуради. Ҳаммининг феъли қайтади. Фикри ўзгаради.

Уни кузатиб туриб, жилловни қўйиб юборганингга пушаймон ейсан.

Лола ЎРОҚОВА

«Ўғлим Жасурнинг садоқатли умр йўлдоши, тинч-тотув оиласи бўлишини кечаю кундуз худодан сўрайман. Илтимос, унга муносиб келин топишда ёрдам беринглар. Умидим энди фақат сизлардан. У олий ўқув юртининг охириги курсида ўқиб юрган кезлари ўртоғининг тўйида куёв жўра бўлиб Хоразмга боришди. Ва Дилрабо деган қиз билан рақс тушиб, яқиндан танишиб, боғланиб қолади. Унга уйланишига қарши бўлишимга қарамай, ўғлим сўзида қаттиқ туриб олди. Отаси қаёқ қилган, икки боламини ҳеч қимдан кам қилмай оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиб, ўқитгандим. Жасуримга келганда бошим қотиб қолди. Нима қилай, кўнглига қараб, уйлантиришга мажбур бўлдим. Афсуски, Дилрабо бизлар орзу қилгандек эсли-ақлли, оқила келин бўлолмади. Онасини ҳам ўзлари яшайдиган маҳалласида кўпчилик хушламаскан. Хуллас, уни ўғлим эмас, балки пойттахда яшаш қизиқтиргани кейин сезилиб қолди. Ўғлим илмга жуда қизиқар, насиб этса, олим бўлмоқчи эди. Ўқилини ҳам давом эттиролмади. Бор-йўғи уч ойгина яшаб, ажрашди... лекин улардан узил-кесил қутулишимиз учун икки йилча вақтимиз кетди. Оғзи куйган қатқичи ҳам пуфлаб



иачи, деганларидек, энди кўзимиз очилди. Жасурнинг ёши 38 да. Маълумоти олий. Иши тайин. Уйли-жойли. Ёшига мос, оқила, тўғри сўз, меҳрибон, ибодли қиз учраса, келин қилмоқчиман.

САБОҲАТ
Тошкент шаҳри».

«Дугонам Мавжуданинг тақдирига берафқ бўлолмаганим сабабли охири сизларга мурожаат қилаялман. Ҳар сафар уларникига борганимда онаси «Тулдай қизимнинг бахти мен сабаб боғланди, қўлингдан келса ёрдам бергин», дея қуйиниб гапириб қолади. Ўзларининг айтишларича, қизларига ён қўшиси Рустам деган йигитдан қайта-қайта совчи келибди. Отаси, буюиси рози бўлса-да, онаси «Бу — ишининг, ўқилишининг тайини бўлмаган бола эртага қизимни қадрига етишига ишонмайман», деб оёқ тираб олибди. Шундан сўнг бир йил ўтар ўтмасдан Рустам уйланибди. Лекин унинг онаси аламига чидолмай, Мавжудани ғийбат

қилишдан, у ҳақда миш-миш тарқатишдан чарчамабди. Оқибат совчиларнинг ҳам қада-ми узилибди.

Дугонам эса тақдирга тан берганча ўзи севган иш билан андармон бўлиб, келажига ҳақида жиддий ўйламай қўйибди. Мавжуда хушрўйгина, пазанд, кўнгли очик, оқила қиз. Ёши 35 да. Маълумоти ўрта-маҳсус. 45 ёшгача бўлган, зарарли одатлардан холи, иши тайин, уй-жойли, диёнатли инсон учраса, хабар берсангизлар.

ЗУЛАЙХО,
Тошкент вилояти».

«Баҳром узоқроқ қариндошимизнинг ёлғиз ўғли эди. Ундан совчи келган куни онани ниҳоятда хурсанд бўлган. Чунки ота-онаси ўқимишли, бамаъни инсонлар эди. Мен эса ўша пайтда институтнинг 3-курсиде ўқирдим. Онам отамга: «Рози бўлаверинг, бўлғуси қудаларимиз Дилнозанинг ўқилини сиртки бўлимга ҳам ўтказмас экан. Барча шароитни яратиб бераркан»,

дея уқтирарди. Отам совчилар яна келишганида «Ёшлар учрашишсин, бир-бирига маъқул бўлса, биз розимиз», дебди. Баҳром ўйлаганимдан ҳам келишган, хушсувар, ақли йигит экан. Ниҳоят унаштирилдик. Дугоналаримнинг менга ҳаваси келарди. Юборилган тўй совғаси, сарполарни амма-хололарим мактагандан-макташди. Тўй кунимиз белгиланган, келиноиларим сарполарим билан келин-куёвга ажратилган хонани безатиб қайтишди. Ниҳоят қўйлагимни қийиб, сартарош аёл сочимни турмақлаётганимда... шун хабарни эшитиб хушимдан кетибман. Чамаси тўрт соат ўтгач, кўзимни касалхонада очдим.

Баҳром автоҳалокатга учраб, дунёдан ўтди.

Опоқ келинлик либосида кириб бораман деб орзу қилган хонадонга қоп-қора кийимда дод солиб йиғлаб бордин. Ҳеч бир қизнинг бошига бундай кун тушмасин экан, азизлар. Наилло. Тош эмас, бош қаттиқ бўларкан. Дардимга ота-онам шерик бўлди. Ҳар дардининг давоси вақт деб бежиз айтилмаган экан. Орадан беш йил ўтгач, «Оила ва жамият» газетасига онам билан маслаҳатлашиб, хат ёзди. Наманганлик, хотини вафот этган Дилмурод деган йигитнинг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Унинг 2 ёшли қизи бор экан. Тўйимиз бўлди. Кечикиб бўлса-да, қайта бахтимни топганимдан ота-онам, қариндош-уруғларим хурсанд бўлишди. Сизларга ташаккур.

ДИЛНОЗА,
Андижон вилояти».

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Меҳрнинг бўйи

Хар гал момонинг иссиқ бағрига қирарканман, кўп ювилганидан асл ранги ўчган, топ-тоза кўйлакнинг қат-қатига сингиб кетган қалампирмунчоқ бўйини туяман. Негадир бу ҳид менга хар қандай қимматбаҳо атирдан ҳам ёқимлироқ туюлади. Пухта кексаларимиз қалампирмунчоқни эъозлаб, йиллар давомида авайлаб сақлайдилар. Кимдир шода мунчоқ қилиб тизиб, яна кимдир мўъжазгина халтачага жойлаб, турморча тикиб олади...

Тарихий манбаларда ёзилишича, эраизга қадар ҳам Хиндистон, Индонезия, Хитой каби мамлакатларда қалампирмунчоқдан фойдаланилган экан. Масалан, Хитой зодагонлари хонконга муружаат қилиш чоғида қалампирмунчоқ тутиб туриши шарт бўлган. Шундай қилинса, одамларнинг



нафаси билан ҳаво булганмас эмиш. Қалампирмунчоқ Европада ҳам жуда қадрланган. IV асрда яшаб ўтган Буюк Константин машҳур Рим олими Селвестрга 150 фунт қалампирмунчоқ ҳада этиб, уни ниҳоятда хурсанд қилади. Қадимги табиблар қалампирмунчоқ

КЎНГИЛ

оғиздаги ёқимсиз хидни йўқотишини, кўз нурини оширишини яхши билишган. Кўзга тушадиган пардани йўқотиш мақсадида ҳам ундан фойдаланишган. Замонавий тиббиётда эса қалампирмунчоқ меъда-ичак фаолиятини яхшилаши, қорин дам бўлганда фойда бериши, одамнинг сезгирлигини ошириши илмий исботланган. Бу зирavor оғрикислантирувчи хусусияти билан стоматологияда ҳам ниҳоятда қадрланади...

Момом ҳамиша кўйлагининг ёқасига тўғноғич билан бир тизим қалампирмунчоқ илиб юради. У кишини қучоқласам, қалампирмунчоқнинг хуш бўйи аянам гурқираб кетади. Бу ҳид бирор зирavorнинг эмас, балки меҳрнинг бўйи бўлиб туюлади менга.

Дилроз АБРАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ТАБИАТ ВА БИЗ

Яшиллик яхшиликка етакласин

Яшилликни, кўзларга нур, дилларга сурур бағишлайдиган гўзал манзараларни ким севмайди, дейсиз. Айниқса, фасллар келинчаги саналган авжи баҳорда она табиат билан баб-баравар уйғонувчи дов-дарахтлар, дала-қирлардаги бойчечоғу мойчечак, чучмомаю ялпизлар, хуллас, бизлар номини-да билмайдиган минг хил ўт-ўланлар инсоннинг тириклик, ҳаётга бўлган қизиқиши, ҳайрат-ҳаяжонини оширади.

Баҳор ўтиб, ёз келди дегунча, яна юртимиз бошқача бир бетакдор қиёфада намоён бўлади. Атроф-муҳит ўзининг ҳақиқий рангига товланади, пишқичилик, тўқинчилик бошланади. Бу эса хар қандай инсон руҳиятини осмон қадар юксалтиради. Ана сизга табиатнинг инъоми, очил дастурхони!

Булар кўнгилни беихтиёр чоғ этади. Лекин баъзан шундай жаннатомонад ўлкамининг табиатига доғ туширадиган, яъни экологиясига жиддий ҳавф туғдирадиган ҳолатларга ҳам дуч келаемизки, бу ҳақда хар доим тинмай бонг уришимиз, жамоатчилик орасида кенг маънода тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозимлигини англаймиз.

Оддий мисол: баҳорнинг сўнги оғи ниҳоясига етай деб

қолди. Энди фарзандларимизнинг дам олиш мавсуми, катталарнинг эса ҳордиқ чиқариш паллалари бошланади. Республикаимизнинг энг сўлим ва хушманзара ҳудудларида жойлашган оромгоҳлар, санаторий ва дала ховлилар гавжумлашади. Ана шундай кезларда хунук бир манзара кўнгилга гашлик солади: оддий бейфарқлик деймизми ёки экологик маданият ва билимнинг саёзлиги боисми, айримлар она табиатга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишади. Дов-дарахтларни синдириш, ўт-ўланларни ёқиш, пайхон қилиш, тоғлар бағридан чиқаётган зилол булоқларни ифлослантириш, хар хил зарарли нарсаларни ташлашгача боришади. Ана шундай пайтда атроф-муҳит муҳофазасига масъул бўлганларгина эмас, балки ҳаммамиз бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ўзимизни жавобгар эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Тарихдан маълумки, табиат ўз устидан юргизилган нотўғри сиёсат ёки турли кўринишдаги қалтис хатти-ҳаракатларни кечирмайди. Бир замонлар йўл қўйилган хатоликлар жабрини бугунги авлод тортаётганини эсдан чиқармайлик, табиатнинг бебаҳо ва гўзалликка бурканган қиёфасини эртанги кун ворисларига бус-бутунлигича етказиш олдимизда турган энг долзарб вазифа эканини унутмайлик.

Махмуджон ИЛҲОМОВ,
Тошкент молия институти доценти,
Сардор ЯНДОШЕВ,
талаба.

ЎҚИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

“ТЕСТ СОТАМАН, ЖАВОБЛАРИ БИЛАН”

“Ўқишга киритамиз”, “Тестлар. Жавоблари билан” каби эълонлар олий ўқув юртиларига имтиҳонлар қўйилган сари кўпайгандан кўпаяди. Бундай алдовлар билан жуда кўпчиликини чув тушираётган товламачилар ўзларини гўёки кимгадир ёрдам қўлини чўзаётган беминнат кўмакчидек тутишади.

Фуқаро Тўрабеков (исм-шарифлар ўзгартирилган) республикаимиздаги етакчи институтлардан бирида босмахона раҳбари бўлиб ишларди. У жиноий йўллар билан бойлик орттириш мақсадида ўз хизмат ваколатидан фойдаланиб, абитуриентларга олий ўқув юртиларига кириш имтиҳонлари учун сохта тест саволлари ва жавобларини сотиш билан мунтазам тарзда шугулланиб келган.

Ана шундай “савдо”лардан бири Амир Темури шох кўчасида содир бўлди. Навбатдаги “ўлжа” – фуқаро Б. Алиев билан учрашувга чиққан “тестфурш” учун мижозни алдаш ва ўз махсулотини ўтказиш унчалик қийин кечмади. Бу борада устаси фарангга айланган Тўрабеков мижозни сохта тест саволларини 500 АҚШ доллари ҳамда 100 минг сўмга сотиб олишга қўндирди. Лекин унинг жиноий қилмишига департаментнинг Миробод тумани ходимлари томонидан чек қўйилди. Тест саволлари ва пуллар далилий ашё сифатида олинди, қонунбузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Афсуски, бундай жиноятларнинг содир бўлишига, аслида, ўзимиз шайхон яратиб берамиз. Сอดдалгимиз, ўзоқни кўра олмаслигимиздан бошқалар ўз мақсадлари йўлида устамонлик билан фойдаланиб қолишади.

Бегзод ҚОРАБОЕВ,
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК
Департаменти Тошкент шаҳар Миробод туман
бўлими бошлиғи.

Ишонч телефонлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарориди белгиланган вазифаларни ижро этиш юзасидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан қийнанд хамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ишонч телефонларини маълум қилади.

№	Бошқарма ва туман бўлими	Ишонч телефонлари
1	Бошқарма навбатчилик қисми	241-92-05
2	Бектемир туман бўлими	295-18-90
3	Мирзо Улугбек туман бўлими	237-44-81
4	Миробод туман бўлими	215-67-07
5	Олмазор туман бўлими	228-01-00
6	Сирғали туман бўлими	258-75-71
7	Учтепа туман бўлими	271-45-18
8	Чилонзор туман бўлими	271-12-56
9	Шайхонтоҳур туман бўлими	249-61-14
10	Юнусобод туман бўлими	747-13-31
11	Яккасарой туман бўлими	250-13-66
12	Ҳамза туман бўлими	289-59-88

Лебедев тарихий галабада эришди

Москвда боксинг WBO йўналишида афсонавий Рой Жонс ва россиялик Денис Лебедев ўртасида рейтинг жанги бўлиб ўтди.

10 раунд давом этган учрашувнинг охириги сонияларида Денис машҳур боксчини нокаутга учратиб, тарихий галабасини нишонлади.



Интернет манбалари асосида
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» асоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 532. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади – 11114. Навбатчи муҳаррир – Фаррух ЖАББОРОВ. Саҳифаловчи – Оқил РАҲМОНОВ. Мухаббатлар – Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА.

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5